



Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

2025 йил III чорак

---

**Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳи**  
(банк бўлмаган молиявий ташкилотлар)

## Резюме

Сўнги йилларда мамлакатимиз молия тизимида банк бўлмаган молиявий ташкилотларнинг<sup>1</sup> аҳамияти ошиб бормоқда. Хусусан, бошқа молиявий ташкилотлар молиявий активлари ҳажмининг молия тизимидаги улуши 2024 йил охирида **5,4 фоизни** ташкил қилган бўлса, мазкур кўрсаткич 2025 йил 1 октябрь ҳолатига келиб **6,1 фоизгача** ошди (2019 йил охирида 3,3 фоиз).

Молиявий активлар ҳажми динамикасида бошқа молиявий ташкилотлардаги ўсиш суръатларининг банк тизимида нисбатан анча юқори эканлигини кўрсатмоқда. Жумладан, охири олти йил давомида банк тизими молиявий активлари ҳажми 3,2 баробарга кўпайган бўлса, мазкур кўрсаткич бошқа молиявий ташкилотларда банк тизимида нисбатан қарийб **2 марта** тезроқ ўсиб, **6 баробарга** ошди.

Бошқа молиявий ташкилотларнинг иқтисодиёт реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Таққослаш учун, бошқа молиявий ташкилотларнинг реал секторга бўлган талаблари 2024 йилнинг 1 октябрь ҳолатига **20,5 трлн** сўмни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич банк тизими кредит қўйилмаларига нисбатан **2 баробар** тезроқ ўсиб, 2025 йилнинг 1 октябрь ҳолатига **27,3 трлн** сўмга етди.

Активларнинг капитал билан таъминланганлик даражасида бошқа молиявий ташкилотлар нисбатан юқори барқарорлик намоён этмоқда. Хусусан, 2025 йилнинг 1 октябрь ҳолатига тижорат банкларида активларнинг капитал билан таъминланганлик даражаси 16,2 фоизни ташкил қилган бўлса, бошқа молиявий ташкилотларда мазкур кўрсаткич **50,9 фоизга** (2024 йил 1 октябрь ҳолатида 45,2 фоиз) етди.

---

<sup>1</sup> Мазкур “Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳи” Марказий банк томонидан Халқаро валюта жамғармасининг “Пул-кредит ва молиявий статистикани шакллантириш қўлланмаси” (2016) концепция ва таснифларига мувофиқ чораклик даврийликда шакллантириладиган “[Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳи](#)” асосида тайёрланган бўлиб, молия тизимида фаолият юритаётган банк бўлмаган молиявий ташкилотларнинг иқтисодиёт секторларига бўлган талаб ва улар олдидаги мажбуриятлари позициясини акс эттиради.


“Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳи” мамлакатда фаолият юритувчи суғурта ва лизинг ташкилотлари, тўлов ташкилотлари ва тўлов тизими операторлари, фонд ва валюта биржалари, шунингдек, ломбардлар, микромолия ташкилотлари, Ипотекани қайта молиялаштириш компанияси (ИҚМК) ҳамда Омонатларни кафолатлаш агентлиги (ОКА) каби банк бўлмаган молиявий ташкилотларининг жамланма бухгалтерия баланси ҳисоботининг аналитик кўринишини ифодалайди.

## I. БОШҚА МОЛИЯВИЙ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРИ ТАРКИБИ

2025 йил 1 октябрь ҳолатига бошқа молиявий ташкилотларнинг жамланма молиявий активлари **51,9 трлн сўмни** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **35,6 фоизга** (2024 йил 1 октябрь ҳолатида – 38,2 трлн сўм) ошди.

Бунда, лизинг ташкилотларининг молиявий активлари ушбу даврда **38,6 фоизга**, суғурта ташкилотлари – **10,7 фоизга**, микромолия ташкилотлари – **49,9 фоизга** ва ОКА – **48,4 фоизга** ўсган.

1-расм. Молиявий активлар, млрд сўмда.




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

### 1.1 Соф ташқи активлар

Бошқа молиявий ташкилотларнинг соф ташқи активларидаги манфий тафовут ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **19,2 фоизга** ошиб **-3,5 трлн сўмни** ташкил қилди. Бу ўз навбатида, мазкур ташкилотларнинг норезидентлар олдидаги мажбуриятлари, талабларига қараганда юқори суръатларда ўсиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Жумладан, ИҚМК фаолиятида ташқи ресурс маблағларининг сезиларли ошганлиги, хусусан, норезидентлар олдидаги мажбуриятлари 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **3 баробарга** ошиб, **984,8 млрд сўмга** етганлиги асосий омил бўлиб хизмат қилди.

**2-расм. Норезидентларга бўлган талаб<sup>2</sup> ва мажбуриятлар<sup>3</sup>, млрд сўмда**

Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Шунингдек, суғурта ташкилотларининг норезидентларга бўлган талаблари ҳажми 2024 йил 1 октябрь ҳолати билан солиштирганда **5 фоизга** ошиб, 2025 йил III чорак якунида **794,7 млрд сўмга** етди.

## 1.2 Депозит ташкилотларига (банк тизими) бўлган талаблар


Банк тизимида бўлган талаблар жами активларга мос равишда ошиб бормоқда. Жумладан, бошқа молиявий ташкилотлар жами молиявий активларида банк тизимида бўлган талаблар **33,8 фоиз** атрофида шаклланиб, **17,5 трлн сўмга** етди.

Ташкилотлар кесими бўйича қаралганда, депозит ташкилотларига бўлган талабларнинг асосий қисми суғурта ташкилотлари (**37,1 фоиз**), ИҚМК (**33,4 фоиз**) ва тўлов ташкилотлари (**13,8 фоиз**) ҳиссаларига тўғри келди.

<sup>2</sup> Норезидентларга бўлган талаблар – акция ва капиталга бошқа инвестициялар, чет эл валютасидаги нақд пуллар, аванслар ва бошқаларни ўз ичига олади.

<sup>3</sup> Норезидентларга бўлган мажбуриятлар – кредит ва қарз маблағлари, аванслар, суғурта техник захиралари ва бошқаларни ўз ичига олади.


**3-расм. Банк тизимига бўлган талаблар, ташкилотлар кесимида, улушларда**



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Шунингдек, ИҚМК томонидан тижорат банкларига ипотека кредитларини молиялаштириш мақсадида ажратилган ресурсларнинг сезиларли ошиши, ўз навбатида, мақсадли ва бошқа қарз маблағлари миқдорининг **5,6 трлн сўмга** етишига хизмат қилди.

**4-расм. Банк тизимига бўлган талаблар, молиявий инструментлар кесимида, млрд сўм**




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Қайд этиш жоизки, банк тизимига бўлган жами талабларнинг асосий қисми депозитлардан иборат бўлиб, уларнинг улуши **56,4 фоизни (9,9 трлн сўм)** ташкил этди.

### 1.3 Марказий ҳукуматга бўлган соф талаблар

Марказий ҳукуматга бўлган соф талаблар 2024 йилнинг III чораги якунида **-2,4 трлн** сўмни ташкил қилган бўлса, жорий йил давомида ушбу ташкилотлар томонидан давлат қимматли қоғозларига киритилган инвестициялар ҳисобига мазкур салбий тафовут **-1,7 трлн** сўмгача қисқарди.

5-расм. Марказий ҳукуматга бўлган талаб ва мажбуриятлар, млрд сўмда



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.


### 1.4 Бошқа секторларга бўлган талаблар

Бошқа секторларга (давлат номолиявий ташкилотлар<sup>4</sup>, нодавлат номолиявий ташкилотлар<sup>5</sup> ҳамда жисмоний шахслар) бўлган талаблари ўсувчи динамикани қайд этмоқда. Хусусан, иқтисодиётга бўлган жами талаблар (кредит қўйилмалари) ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **33 фоизга** ошиб, **27,3 трлн** сўмни ташкил этди.

<sup>4</sup> Давлат номолиявий ташкилотлар — номолиявий хизматларни кўрсатиш ёки маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи, устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқни ташкил этадиган юридик шахслар, шунингдек, устав фондининг (капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи устав фондида (капиталида) 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар;

<sup>5</sup> Нодавлат номолиявий ташкилотлар — номолиявий хизматларни кўрсатиш ёки маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи, устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган юридик шахслар, шунингдек, устав фондининг (капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи устав фондида давлат улуши мавжуд бўлмаган ёки давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар.

6-расм. Бошқа секторларга бўлган талаблар, млрд сўмда



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Бунда, асосий ўсиш лизинг ва микромолия ташкилотларининг умумий лизинг ва микромолия портфеллари ҳиссаларига тўғри келиб, ушбу иштирокчиларнинг портфеллари ҳажми ҳисобот чораги якунида мос равишда **14,2 трлн сўм** ҳамда **9,6 трлн сўмга** етди.

## II. БОШҚА МОЛИЯВИЙ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ПАССИВЛАРИ ТАРКИБИ


2025 йил III чорак якунида бошқа молиявий ташкилотларнинг жами пассивлари таркибининг асосий қисми акциялар, капитал ва кредитлар (*жалб қилинган қарз маблағлари*) каби молиявий инструментлар ҳисобига шаклланди.

Таъкидлаш лозимки, бошқа молиявий ташкилотлар томонидан депозитлар жалб қилинмаслиги ҳамда молиявий ҳосилавий инструментлар билан боғлиқ операциялар амалга оширилмаганлиги боис пассивларнинг “Депозитлар” ва “Молиявий ҳосилавий инструментлар” бўлимларида қиймат мавжуд эмас.

### 2.1 Акциялар ва капиталдаги иштирокнинг бошқа шакллари

Жами пассивлар таркибида капиталнинг улуши 2025 йил 1 октябрь ҳолатига **51 фоизни** (*26,4 трлн сўм*) ташкил этди.

**7-расм. Бошқа молиявий ташкилотлар капитали, 2025 йил 1 октябрь ҳолатига, млрд сўмда**




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.


## 2.2 Кредитлар

Кредитлар – бошқа молиявий ташкилотлар томонидан иқтисодиёт секторларидан (*норезидентлар ҳамда марказий ҳукуматдан ташқари*) жалб қилинган кредитлар ва бошқа қарз маблағларини ифодалайди.

**8-расм. Жалб қилинган қарз маблағлари, ташкилотлар кесимида, млрд сўмда**



**9-расм. Жалб қилинган қарз маблағлари, секторлар кесимида, млрд сўмда**



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Ташкилотлар кесими бўйича қаралганда, йирик қарз олувчилар микромолия ва лизинг ташкилотлари бўлиб, ҳисобот даври якунида уларнинг жамланма улуши **89 фоизни** ёки **8,2 трлн сўмни** ташкил қилди.

Бошқа молиявий ташкилотлар томонидан жалб қилинган кредитларнинг салмоғли қисми банклар ҳиссасига тўғри келмоқда. Хусусан, ҳисобот чораги якунида тижорат банкларидан жалб қилинган ресурслар **4,4 трлн** сўмни ташкил қилди.